# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 7 сентябрь, № 194 (8256) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 сентябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Қозоғистон етакчисига Қўстанай вилоятидаги ўрмон ёнғинлари муносабати билан далда сўзларини билдирди ҳамда фавқулодда ҳолат оқибатларини бартараф этишда зарур ёрдам кўрсатишга тайёрлигини қайд этди.

Икки мамлакат Президентлари Ўзбекистон — Қозоғистон яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларида амалий шерикликни кенгайтиришнинг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар.

Савдо, саноат, энергетика, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Шу ойда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг кун тартиби муҳокама қилинди.

**ЎзА.**

Элчи Дилшод АҲАТОВ:

## Ўзбекистон ШҲТнинг янги ривожланиш шароитидаги салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишдан манфаатдор

*ШҲТнинг Самарқанд саммити арафасида Ҳиндистоннинг “The Print” электрон нашрида Ўзбекистон элчиси билан интервью эълон қилинди.*

*“Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси Дилшод Аҳатов “The Print” нашрига берган интервьюсида Тошкент нафақат ШҲТни кенгайтириш, балки унинг салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришни таъминлашини таъкидлади.*

### Дунё нигоҳи

— Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарларининг бўлажак саммити нафақат ташкилотнинг кўп томонлама кенгайишини, балки Евроосиё минтақасининг янги стратегик йўналишга эга бўлишини таъминлайди, — деди Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси.

Элчи дунёда жиддий геосиёсий ўзгаришлар рўй бераётган бўлса-да, Тошкент “ШҲТнинг тўлиқ салоҳиятидан” фойдаланишга интилаётганини урғулади.

“Ўзбекистон, аввало, барча иштирокчи мамлакатларнинг ҳаётий манфаатларига жавоб берадиган истиқболли йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш орқали ўз эволюциясининг янги шароитида ташкилот салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишдан манфаатдор”, деди Дилшод Аҳатов.

Жорий йил ШҲТ саммити 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган. Унда Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин бошқа қатор давлатлар етакчилари билан бирга иштирок этади.

“Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи сиёсатидаги жадал ўзгаришлар шароитида ШҲТга ҳозир ҳар қачонгидан ҳам талаб катта. Бунинг сабаби шундаки, энди барча аъзо давлатлар ушбу кўп томонлама платформанинг очиқ, прагматик, кенг асосланган ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга оширишга қаратилишини истайди”, дея таъкидлади Ўзбекистон элчиси.

Унинг сўзларига кўра, бу йил ШҲТ саммити Евроосиё минтақасига катта “стратегик ўлчам” беришга, шу билан бирга, янги хавфсизлик тартибини белгилашга қаратилган.

“ШҲТ ўзининг амалий ижросини кутаётган улкан транспорт ва транзит салоҳиятига эга. Глобал таъминот занжирларини диверсификациялаш шароитида Евроосиёда Шарқ — Ғарб ва Шимол — Жануб йўналишларида янги халқаро темир йўл ва автомобиль йўлакларини яратиш стратегик ўлчам касб этади”, деди у.



“Дунёда ишончсизлик ва антагонистик ҳиссиётларнинг кучайиши шароитида ШҲТнинг долзарблиги тобора ортиб бормоқда. Эндиликда Евроосиёда ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик руҳи мавжуд”, дея қўшимча қилди дипломат.

Жорий йилги саммит якунида Ҳиндистон ШҲТга 2022 йил сентябрдан 2023 йил сентябрга қадар бир йилга раисликни қабул қилади. Ва Ҳиндистон 2023 йилда ШҲТнинг навбатдаги саммитига мезбон бўлади.

### Эрон ШҲТнинг янги аъзоси бўлади

Элчи Дилшод Аҳатов ушбу саммитда Эрон ШҲТнинг янги доимий аъзоси сифатида таништирилишини тасдиқлади. Ҳозирги кунда ШҲТ таркибига саккиз давлат — Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Ҳиндистон ва Покистон киради.

“Саммит кун тартибидаги асосий масалалардан бири Шанхай ҳамкорлик ташкилотини янада кенгайтириш ҳисобланади. Эрон Ислом Республикасининг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланишга аллақачон тайёр. Бу ҳужжат Яқин Шарқдаги ушбу йирик мамлакатнинг ташкилотимизга тўлиқ аъзо бўлишига асос яратади”, деди Дилшод Аҳатов журналистларга.

Унинг қўшимча қилишича, ШҲТ фаолиятида тўлақонли аъзо, кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик мақомида иштирок этиш учун яна 10 га яқин мамлакатлардан аризалар ҳам кўриб чиқилади.

“Ўзбекистон раислигида ўтадиган саммит алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, барча мамлакатларга минтақавий ва глобал кун тартибидаги қатор долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун ўз вақтида ҳамда самарали платформани тақдим этади ва шу билан унинг ривожланишида янги босқич очади”, деди дипломат.

### Афғонистон минтақавий жараёнларга жалб этилиши керак

Жорий йилнинг июль ойида Ўзбекистон Афғонистон бўйича икита муҳим учрашув ўтказди. “Афғонистон минтақада узоқ муддатли хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг асосий омили эканига асло шубҳа йўқ”, деди Ўзбекистон элчиси.

У қуйидагиларни таъкидлади: “Афғон халқининг фожиасини ҳисобга олсак, агар давлат гуманитар фалокат билан яккама-якка қолса, бу қочоқларнинг янги оқимига, гиёҳвандлик таҳдидининг ошишига ва терроризмнинг кучайишига олиб келиши мумкин”.

Бундан ташқари, дипломат мамлакатлар толиблар билан ўзаро алоқа қилмаса, Афғонистон “Евроосиёнинг қоқ марказида беқарорлик ўчоғи”га айланиши мумкинлигига ҳам ишора қилди.

“ШҲТга аъзо ҳеч бир давлат Евроосиё марказидаги беқарорлик ўчоғини ва қўшни давлатлар хавфсизлигига Афғонистон ҳудудидан келиб чиқиши мумкин бўлган таҳдидларни эътиборсиз қолдиришдан манфаатдор эмас. Бугунги воқелик ШҲТдан янада аниқ ҳаракатларни бажаришни ва Афғонистонни минтақавий ташаббусларга, шу жумладан, инфратузилма лойиҳаларига жалб қилишни талаб этади”, дея таъкидлади у.

Унинг мухтасар фикрича, Афғонистоннинг урушдан кейинги ривожланиш стратегиясига нисбатан “ШҲТ доирасида консолидациялашган ёндашувларни ишлаб чиқиш”ни илгари сурииш Ўзбекистон раислигининг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлди”.

**«Дунё» АА.**
Деҳли

## АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ-ЭКСПЕРТ ФОРУМИ

*Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ахборот хавфсизлиги бўйича илмий-эксперт форуми бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда гибрид форматда ташкил этилди.*

### Анжуман

Ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги таҳдидларга қарши курашиш бўйича илғор миллий тажриба тақдимига бағишланган ушбу йиғилишда ШҲТга аъзо давлатларнинг тегишли вазирлик ва идоралари, илмий-академик ва таҳлилий доиралари вакилларидан иборат етакчи экспертлар иштирок этди.

Бутун дунёда рақамли технологияларни жорий қилиш ва онлайн фаоллик жараёнининг барқарор ривожланиши кузатилаётган бир пайтда мазкур тадбирнинг уюштирилиши ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, жамият, бизнес, давлат ҳаёти ва фаолиятининг жадал суръатда рақамлаштирилиши ўз-ўзидан қатор объектив муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Хусусан, коронавирус пандемияси ахборот маконида киберҗиноятлар кескин кўпайишига олиб келди. Экспертлар фикрича, 2021 йилда дунёда киберҳужумлар сони 2020 йилдагига нисбатан 50 фоиз ортиб, кўрилган зарар 2015 йилдаги 3 триллион доллардан 6 триллион долларга ўсган.

➡ 2

Акс садо

## МАҚСАД — НАРХ-НАВО ОШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК



***Дунё бозорларидаги кескин рақобат, иқлим ўзгариши, табиий офатлар, халқаро майдондаги вазият, жумладан, коронавирус пандемияси озиқ-овқат хавфсизлигини кун тартибига чиқарди. Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, пандемия оқибатида очарчиликдан қийналаётган аҳоли сони 2 баробарга ошиб, 1 миллиард 600 миллионга етди. Ўнлаб давлатларда озиқ-овқат, нон етишмовчилиги кузатилмоқда. Жаҳон матбуотида энг кўп гапирилаётган мавзу — қимматчилик ва нархлар ошиши масаласи бўлиб қоляпти.***

***Дарҳақиқат, кейинги вақтда жаҳон бозорларида озиқ-овқат нархлари кун сайин юқори суръатлар билан ўсмоқда. Халқаро биржаларда 1 тонна буғдой нархи 400 долларга кўтарилди ва йил бошидагига нисбатан нархлар 30 фоизга ошди. Хўш, мамлакатимизда-чи? Ўзбекистонда ҳукумат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қанчалик тайёр?***

➡ 3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТМОҚДА

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил биринчи ярим йиллик якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди.*

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазири Темур Ишметов маъруза қилди.

Мазкур ҳисобот дастлаб Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ҳамда сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида муҳокама қилинган эди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал тикланишда давом этди. Натижада ялпи ички маҳсулот ҳажми 389 631,2 млрд. сўмга етиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 5,4 фоиз ўсди. Қишлоқ хўжалиги ЯИМнинг 19,6 фоизи, хизматлар — 38,7, саноат — 26,7, қурилиш 6,6 фоизини ташкил этди. Биринчи ярим йилликда иқтисодий ўсишнинг асосий драйверлари хизматлар ва саноат соҳаси бўлиб, мос равишда 7,3 ва 5,1 фоизга ўсди.

Ҳисобот даврида хизмат турлари бўйича ўсиш даражаларининг динамикасига кўра, молиявий хизматлар 28,8 фоиз, алоқа ва ахборотлаштириш — 21,3, яшаш ва овқатланиш — 13,9, транспорт — 11,2, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 8,8 фоизга ошди. Шунингдек, олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 2021 йилнинг мос давридагига нисбатан 32,4 фоиз ўсиб, 24,5 млрд. АҚШ долларини, инфляция даражаси йил бошидагига нисбатан 6,5 фоизни ташкил этди.

Мажлисда 2022 йил январь — июнь ҳолатига кўра, республика ҳудудидаги аҳолининг умумий даромадлари ўтган йилдагига нисбатан 22,5 фоиз ўсганлиги депутатлар томонидан эътироф этилди.

Таъкидланганидек, Давлат бюджети даромадлари 92,6 трлн. сўмни ташкил қилиб, белгиланган 87,3 трлн. сўм прогноз 106 фоизга ошириб бажарилди. Даромадлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 17,8 трлн. сўмга кўп бўлди. Давлат бюджети даромадлари таркибига сўнгги уч йилдаги солиқ сиёсати чораларининг ўзгартирилиши, илгари берилган солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши, иқтисодиёт секторларида олиб борилаётган ислоҳотлар таъсир кўрсатди.

Давлат бюджетининг 2022 йил биринчи ярим йиллигидаги харажатлари давлат мақсадли жамғармаларисиз 103,0 трлн. сўмни, аниқланган режа кўрсаткичларига нисбатан 94,9 фоиз ёки ЯИМга нисбатан 26,4 фоизни ташкил этди.

Халқ вакиллари бюджет маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳани ривожлантириш, ижтимоий инфраструктура объектларини қуриш ва таъмирлаш борасида амалга оширилаётган ишларни ижобий баҳолашди. Хусусан, мактабгача таълим тизими билан қамров даражасини кенгайтиришда эришилган кўрсаткичлар, соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари депутатлар эътиборида бўлди.

➡ 2

## ҚАЕРДА ТАДБИРКОРЛИК КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗСА, ЎША ЖОЙДА АҲОЛИ ТЎКИНЛИКДА ЯШАЙДИ

*Сир эмас, кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий бизнес ва тадбиркорлик улуши тобора ортиб бормоқда. Бу борада, шубҳасиз, Тараққиёт стратегияси муҳим ўрин тутмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зеро, унда миллий иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатини таъминлаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш устувор йўналиш этиб белгиланган.*

### Мушоҳада

Президентимизнинг тадбиркорлар билан бўлиб ўтган очиқ мулоқоти бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштиришга қаратилгани билан тарихий аҳамиятга эга бўлди. Яъни давлатимиз раҳбари томонидан аниқ вазифа ва ғоялар илгари сурилди.

Мисол учун хусусий секторнинг мулк ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш фақат суд орқали амалга оширилиши уқтирилди. Айни чоғда мулк ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни фақат суд орқалигина ҳақиқий эмас, деб топиш мумкин бўлади.

Шунингдек, тадбиркорларни қийнаб келаётган амалиёт, яъни тергов жараёнида мол-мулкни хатлаб қўйишнинг судлар томонидан асосли эканлиги текширилади ва шундан кейин қарор қабул қилинади. Ишончимиз комилки, мазкур механизм ҳисобига мулк дахлсизлиги ишончли кафолатланади ва тадбиркорлар ҳуқуқлари тўлиқ таъминланади.

Яна бир янгилик — тадбиркорларнинг судларга мурожаат этиш имконияти янада кенгайтирилаётганидир. Маъмурий судларга ариза беришда давлат божи ставкалари 2 баробар камайтирилиши белгиланмоқда. Алоҳида айтиш лозим бўлган жиҳат шундаки, тадбиркорларнинг солиқ органлари қарори устидан судга шикоят қилиш муддати 1 ойдан 3 йилга узайтириляпти. Бу эса тадбиркорларнинг ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

➡ 2

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИГИ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил биринчи ярим йиллик якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди.*



### Нуқтаи назар

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунда белгиланган бюджет параметрлари доирасида, шунингдек, жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнларни инобатга олган ҳолда ва коронавирус пандемияси туфайли юзага келган глобал инқироз оқибатларини бартараф этишга оид қабул қилинган Президент Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ҳамда Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг қарорлари ижросини таъминлашга йўналтирилган.

Дунёда кечаётган мураккаб вазият, иқтисодий муносабатлардаги нобарқарорликларга қарамасдан ҳисобот даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг барча тармоқ ва соҳаларида ижобий ўсиш тенденциялари кузатилмоқда. Натижада мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажми 5,4 фоиз, экспорт ҳажми 40 фоиз, аҳолининг умумий даромадлари ўтган йилдагига нисбатан 22,5 фоиз ошганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу эса иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланаётганлигини кўрсатмоқда.

➡ 2

# ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТМОҚДА



1 Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастури бажарилишида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан самарали фойдаланишнинг ҳолати танқидий-таҳлилий жиҳатдан кўриб чиқилди. Ҳисобот даврида жами 1 786,7 минг оилага, шундан 1 544,8 минг кам таъминланган оилага болалар нафақаси, 241,9 минг кам таъминланган оилага моддий ёрдам тайинланганлиги, аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурлари доирасида аҳолининг маълум бир қатламига субсидия ажратиш учун 2022 йил биринчи ярим йиллик якунига кўра 415,6 млрд. сўм маблағлар сарфланганлиги алоҳида эътироф этилди.

Ҳисоботни кўриб чиқиш ва муҳокама қилишда сиёсий партиялар фракциялари ўз сайловолди дастурларидан келиб чиқиб, фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

**ЎзЛиДеП фракцияси** аъзолари томонидан иқтисодий фаолликнинг ортиши ва ички ҳамда ташқи бозордаги товарлар нархларининг ўзгариши натижасида 2022 йил биринчи ярим йилликда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 2021 йилнинг мос давридагига нисбатан 32,4 фоиз ўсганлиги таъкидланди.

Шунингдек, Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичлари бажарилишини сўзсиз таъминлаш, молия, солиқ ҳамда манфаатдор бошқа вазирлик ва идоралар, шунингдек, уларнинг ҳудудий бўлинмалари билан бюджет даромадларини молиявий хизматлар, улгуржи савдо, қурилиш, тоғ-кон саноати ва карьерлар қазиш соҳаларида тушумларнинг қўшимча манбаларини аниқлаш ҳамда уларнинг тўлиқ ундирилишини таъминлаш, солиқларнинг йиғувчанлик даражасини ошириш, солиқ имтиёзларини ва боқиманда қарздорликларни камайтириш ишларини ташкил этиш борасида ўз фикрларини билдирди.

Шу билан бирга, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан уй ҳайвонларини вакцинация қилиш харажатлари режаси 63 фоизга бажарилмагани, лалми ерларга томчилатиб суғориш учун ажратилган бюджет маблағлари умуман ишлатилмасдан қолганига эътибор қаратди.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** аъзолари сайловчилар билан бўлган учрашувларда, жойларга чиққанда биринчи даражадаги масала сифатида боғча ва мактаблардаги ҳолат билан шуғулланишларини таъкидлашди. Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлгани, лекин ҳамма жойда ҳам яратилган имкониятлардан унумли фойдаланилмаётганини қайд этишди.

Хусусан, боғчаларда овқатлантиришнинг аутсорсинг тизими ва мактабларда овқатлантириш тизимини йўлга қўйиш бўйича қилинган ишлар яратилган шароитларга мутаносиб эмас. Боғчаларда ҳали ҳам болаларни сифатли овқатлантириш масаласи йўлга қўйилмаган. Фракция аъзолари ушбу масалаларнинг муҳимлигини инобатга олиб, соҳадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича мавжуд муаммолар Молия вазирлиги томонидан ажратилаётган молиявий масала билан ёки ташкилий жиҳатлардаги қандайдир камчиликларга боғлиқлиги билан қизиқди. Ушбу масалаларни ўз вақтида ва тезкор ҳал этиш бўйича зарур тавсиялар берди.

**“Адолат” СДП фракцияси аъзолари** Давлат бюджетининг ҳисобот давридаги харажатларининг ижтимоий йўналтирилгани бугунги шароитда тўлақонли ижобий натижа бераётганини эътироф этиб, бир қатор таклифларни илгари сурди. Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағларнинг ўз вақтида ва мақсадли сарфланишини таъминлаш, бу орқали ислоҳотларни изчил олиб бориш, профилактика ва диагностика сифатини оширишга қаратилган ислоҳотларни янада жадаллаштириш айтилди.

Ҳисобот даврида Президент ва Ҳукумат қарорларига асосан тасдиқланган соғлиқни сақлаш соҳасига доир давлат ривожлантириш дастурлари учун 339,3 млрд. сўм ажратилиб, шундан 299,9 млрд. сўм ижроси таъминланган ҳолда режа 12 фоизга бажарилмай қолганини билдирди. Айниқса, буйрак ва жигар трансплантацияси бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларни дори воситалари билан таъминлашга доир харажатларга 2,9 млрд. сўм маблағ ажратилишига қарамай, 1,9 млрд. сўми сарфланиб, 35 фоизга бажарилмагани, эндокринологик касалликларга чалинган беморларни дори воситалари билан таъминлашга доир харажатлар режасининг 78 фоизга бажарилмагани депутатларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

Шу билан биргаликда, Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига ҳудудларда ижтимоий объектларни қуриш, капитал таъмирлаш каби капитал қўйилмалар қайси мезонлар орқали тақсимланаётганининг мавҳумлигини ва уларнинг режага нисбатан паст даражада бажарилаётганини таъкидлашди. Айрим ҳудудларда қурилаётган ижтимоий объектлар йил охиригача битказилмаслигини, аҳоли сони ва уларнинг реал талабига мос эмаслигини таъкидлаб, ушбу соҳада парламент назоратини кучайтиришни қайд этишди.

**Ўзбекистон ХДП фракцияси** Давлат бюджетининг ҳисобот давридаги харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги бугунги шароитда тўлақонли ижобий натижа бераётганлигини уқтирди.

Фракция аъзолари томонидан Давлат бюджетида кўзда тутилган харажатларни ўз вақтида молиялаштириш, Давлат бюджети харажатлари ўзлаштирилмаган ҳолатларни таҳлил қилган ҳолда, уларнинг мақсадли ўзлаштирилишини таъминлаш, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар томонидан бюджет маблағлари белгиланган тартибда оқилона ва самарали ишлатилиши, уларни натижадорликка йўналтиришга қаратилган таъсирчан чораларни кўриш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, депутатлар соғлиқни сақлаш соҳасида ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган харажатларнинг мақсадли ишлатилишида ҳуқуқий таъсирчан чоралар кўриш зарурлигини таъкидлашди.

**Ўзбекистон Экологик партияси** фракцияси аъзолари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасида 30 та саноат корхонасида 114 та ускуна таъмирлангани натижасида 2,3 минг тонна ташламаларнинг камайишига эришилганлигини билдирди. Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бўйича Чирчиқ дарёсида экологик назорат тадбирлари ўтказилиб, 850 тонна чиқиндилар полигонларга олиб кетилганлиги, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш борасида республика ҳудудининг 93 фоизи санитар тозалаш хизматлари билан таъминланганини ижобий баҳолашди.

Давлат экологик назоратини амалга оширишда илмий тадқиқот, меъёрий-услубий ишлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ташкилий чора-тадбирлар дастурлари етарли даражада амалга оширилмаётганига эътибор қаратган ҳолда ўз таклиф ва тавсияларини берди.

Кун тартибидаги масалани кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш жараёнида сиёсий партиялар фракциялари вакиллари ўз нуқтаиназарларини баён этиб, бюджет маблағларидан оқилона, самарали ва мақсадли фойдаланиш ҳамда бюджет ташкилотларида молиявий интизомга амал қилиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қизғин савол-жавоблардан сўнг депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил биринчи ярим йиллик ижроси якунлари тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар.

**«Халқ сўзи».**

# АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ-ЭКСПЕРТ ФОРУМИ

1 Шундай экан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни киберхавфдан ҳимоя қилиш масаласи долзарблигича қолмоқда. Мутахассислар томонидан энергетика, саноат, мудофаа соҳалари ва давлат сектори энг кўп ҳужумга учраётган тармоқлар сифатида санаб ўтилди. Ушбу салбий тенденциялар ШҲТга аъзо мамлакатлардан кибермаконни ҳимоя қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга комплекс ёндашувлар ишлаб чиқишни, айни хавфнинг трансчегаравий хусусияти миллий саъй-ҳаракатни минтақавий ва халқаро миқёсда ҳамкорликдаги фаолият билан бойитиш заруратини тақозо этади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Элдор Арипов ШҲТ давлатлари ахборот соҳасидаги замонавий чақириқ ва таҳдидларга қарши курашнинг мувофиқлаштирилган механизмларини ишлаб чиқиши кераклигини таъкидлади.

— Бугунги форум ахборот соҳасидаги таҳдидларга ҳар томонлама қарши туришнинг айнан шундай ёндашуви, механизми ва воситаларини излашга бағишланган, — деди Э. Арипов. — У ахборот-коммуникация технологиялари моддий-техника базасини мустаҳкамлайди, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни рағбатлантиради. Энг муҳими, одамларга янги билим ва кўникмалар беради.

Бугунги кунда ШҲТ доирасида халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, 2006 йилдан буён ташкилотга аъзо давлатлар халқаро ахборот хавфсизлиги борасида экспертлар гуруҳи фаолият юритиб келмоқда. Мазкур тузилма ШҲТнинг доимий фаолият кўрсатадиган органи ҳисобланади ва шу соҳага ихтисослаштирилган вазирлик, идоралар ишини мувофиқлаштириб боради. 2009 йил 16 июнь куни имзоланган Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро келишув, айни чоғда, ШҲТ мамлакатларининг ахборот хавфсизлиги борасида биргаликда ишлаши учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, 2020 йил ноябрь ойида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма баёноти қабул қилинган.

2021 йил ШҲТнинг Душанбеда ўтган юбилей саммити якуни бўйича Ўзбекистоннинг фаол иштироки асосида ишлаб чиқилган 2022 — 2023 йилларга мўлжалланган халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ШҲТ мамлакатларининг биргаликдаги ҳаракатлари режаси тасдиқланган. Ҳозирги вақтда ШҲТга аъзо мамлакатларнинг барчаси, ҳеч истисносиз, рақамли жамиятни ривожлантириш, давлат бошқаруви ва молия-иқтисод секторини рақамли форматга ўтказишга қаратилган миллий стратегик ва концептуал ҳужжатларни амалга оширмоқда.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 17 сентябрь куни ШҲТнинг Душанбе саммитида илгари сурган муҳим ташаббуси форум иштирокчиларига ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги хавф-хатарларга қарши курашишга оид ягона сиёсатни шакллантириш бўйича аниқ таклифлар, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, аъзо мамлакатлар фуқаролари ахборотдан эркин ва ҳеч қандай тўсиқсиз фойдаланишини таъминлаш юзасидан умумий ёндашувларни келишиб олиш имконини беради. Москва халқаро муносабатлар давлат институти ҳузуридаги Шарқий Осиё ва ШҲТ тадқиқотлар маркази директори Александр Лукиннинг таъкидлашича, Ўзбекистон ахборотни эркин тақдим этиш борасида илғор тажриба тўплаган давлатлар сирасига киради.

Замонамизнинг энг долзарб масалаларини кенг ва батафсил кўриб чиқиш мақсадида форум “Ахборотдан фойдаланиш кўламини кенгайтириш — замонавий жамиятни ривожлантиришнинг муҳим омили”, “Ахборий-ғоявий хатарлар ва бундай таҳдидларга қарши самарали жавоб чораларини ишлаб чиқиш”, “АКТ жадал ривожланиши шароитида нозик ахборот инфратизими объектларини ҳимоя қилиш” каби мавзулардаги учта сессияга бўлинган ҳолда ўтказилди.

Умуман, форум минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ШҲТга аъзо давлатларнинг ахборот ва кибермакондаги хатарларга қарши кураш борасидаги салоҳиятини янада ошириш имконини бергани билан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).**

# ҚАЕРДА ТАДБИРКОРЛИК КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗСА, ЎША ЖОЙДА АҲОЛИ ТЎКИНЛИКДА ЯШАЙДИ



1 Тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш масалалари янада либераллаштирилаётгани ҳам айни муддаодир. Бу борада тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилинди. Бундан ташқари, йўл қўйилган хато учун тадбиркорга 6 ой давомида жазо қўлланилмайди, ушбу соҳада 26 та идоранинг такрорланувчи назорат функциялари бекор қилинади. Бундан буён барча текширувлар Бизнес-омбудсман томонидан мувофиқлаштирилиб борилади, жарималар миқдори эса тадбиркор тўлаётган солиқ миқдоридан ошмайди.

Шунингдек, учрашувда Савдо-саноат палатаси фаолиятига доир муҳим таклифлар ҳам билдириб ўтилди. Жумладан, Савдо-саноат палатасига Ҳукуматга кўриб чиқиши мажбурий бўлган масала киритиш, тадбиркорлик субъекти манфаатини кўзлаб Олий судга ариза бериш, иқтисодий, маъмурий ва жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриб чиқиш юзасидан шикоят келтириш ваколатлари берилмоқда.

Умуман олганда, очиқ мулоқот нафақат тадбиркорларимиз учун, айни чоғда бутун халқимиз учун муҳим янгиликларга бой бўлди. Гап шундаки, қаерда тадбиркорлик кенг қулоч ёзса, ўша жойда аҳоли тўкинликда ҳаёт кечиради. Шу маънода, биз, парламент вакиллари ҳам очиқ мулоқотда илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлаш йўлида фаоллик кўрсатсак, нур устига нур бўлади.

**Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.**

# ЎҚУВЧИ ҚИЗЛАРГА ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРНИ ЭГАЛЛАШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

*Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудида “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғоя асосида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу жараёнда сенаторлар ҳам фаол қатнашяпти.*

**Мулоқот**




Хусусан, куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М. Қодирхонова ҳамда ушбу қўмита аъзоси, сенатор Г. Маъруфова Тошкент вилоятининг Чиноз туманида фаолият юритаётган Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасида бўлди.

Бу ерда янги ўқув йилининг бошланиши, “Билимлар куни” ҳамда давлат мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.

Сенаторлар ўқувчиларга мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, хотин-қизларга яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизнинг тараққиётига ҳисса қўшиш ҳар бир фарзанднинг бурчи бўлиб, бунга эришиш йўлида кучли билим, тинимсиз меҳнат ва юксак аҳлоқий фазилатлар талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, муассасада таълим олаётган қизларга замонавий билим ва кўникмаларни ривожлантириш, касб-ҳунарга эга бўлиш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Сўнгра меҳмонлар муассасада яратилган шарт-шароит билан танишди. Қолаверса, ҳар бир тарбияланувчи билан дилдан суҳбатлар уюштирилди.

Якунда тарбияланувчиларга китоблар совға қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИГИ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

1 Ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари белгиланган режага нисбатан ошириб бажарилганлиги, аниқланган харажатлар режасига нисбатан 95 фоизни ташкил қилгани мамлакатимизнинг бюджет барқарорлиги сақланиб қолганлигидан далолат беради. Бунга маълум даражада иқтисодий фаолликнинг ошганлиги, даромадлар кўпаяётгани ҳамда легаллаштирилаётгани ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу даврда Давлат бюджети умумий харажатларининг 52,4 фоизи ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилгани “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастурини амалга оширишга имкон яратади.

Иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатлари ҳамда Давлат бюджети барқарорлигига эришилганлиги натижасида ижтимоий харажатлар ўз вақтида молиялаштирилмоқда. Ҳисобот даврида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида бюджетдан ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига молиялаштирилишда узилишлар кузатилмаган.

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва масъул қўмита йиғилишида амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, айрим хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилгани айтиб ўтилди. Айрим вазирлик ва идоралар томонидан ривожлантириш дастурлари учун харажатлар ва капитал қўйилмалар тўлиқ ўзлаштирилмаётганлиги депутатларнинг эътирозларига сабаб бўлди. Бундай ҳолатлар Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари муассасаларида, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда бошқа бир қанча ташкилот ва муассасалар фаолиятида кузатилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, бундан 5-6 йил аввал бюджетдан маблағ ажратишда муаммолар юзага келар эди. Бугунги муҳокамалардан кўриш мумкинки, айни пайтда бюджетдан молиялаштириш борасида жиддий муаммолар бартараф этилган бир ҳолатда, маблағни ўз вақтида ўзлаштиришда қийинчиликлар кузатилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ялпи мажлисда Молия вазирлиги ва бошқа тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг эътибори қуйидаги масалаларга қаратилди.

***Биринчидан,*** давлат дастурларида бюджет маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши кўзда тутилган ижтимоий соҳа объектларини ўз вақтида тайёр ҳолга келтириш, бюджет харажатларининг мақсадли индикаторларининг ижросини таъминлаш, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига оид лойиҳаларни амалга оширишга ажратилган маблағлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланилиши устидан таъсирчан назорат тизимини ўрнатиш, ушбу маблағларнинг натижадорлигини таъминлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини такомиллаштириш таклиф этилди.

> *Дунёда кечаётган мураккаб вазият, иқтисодий муносабатлардаги нобарқарорликларга қарамасдан ҳисобот даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг барча тармоқ ва соҳаларида ижобий ўсиш тенденциялари кузатилмоқда. Натижада мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажми 5,4 фоиз, экспорт ҳажми 40 фоиз, аҳолининг умумий даромадлари ўтган йилдагига нисбатан 22,5 фоиз ошганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.*
> *Бу эса иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланаётганлигини кўрсатмоқда.*

***Иккинчидан,*** Молия вазирлиги Давлат бюджетида кўзда тутилган харажатларни ўз вақтида қатъий равишда тасдиқланган меъёрлар доирасида йил якунигача бўлган давр учун амалга оширилишини таъминлаши, ортиқча бюджет маблағларига йўл қўймаслиги, самарасиз ва паст самарали харажатларни мақбуллаштиришга оид чораларни биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар билан биргаликда кўриши мақсадга мувофиқ деб топилди.

***Учинчидан,*** маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан амалдаги қонунчилик талабларига кўра назоратни таъминлаш билан боғлиқ чоралар кўрилиши қайд этилди. Бу борада бюджетдан маблағ олувчилар томонидан бюджет интизомини бузиш, пул ва товар моддий бойликлар камомади ҳамда асоссиз харажатларни амалга ошириш ҳолатларининг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, қонунбузилишларнинг олдини олишга қаратилган таъсирчан назорат механизмини ўрнатиш ишларини ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

Умуман олганда, депутатлар иқтисодиёт соҳаларининг барқарор ишлаши, макроиқтисодий ўсиш ва нархлар, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган тизимли чораларни давом эттириш борасида хукумат идораларига аниқ таклиф ва тавсиялар берди.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан йўналтирилаётган маблағларнинг натижадорлигини таъминлаш борасида қуйи палатанинг масъул қўмиталари тегишли вазирлик ва идоралар бўйича мақсад индикаторларига оид маълумотларни янада чуқурроқ таҳлил қилиб бориши парламент назорати нуқтаиназаридан Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш йўлида янада самаралироқ фойдаланишга хизмат қилади.

**Шарофиддин НАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси.**

# МАҚСАД — НАРХ-НАВО ОШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК



1 Куни-кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш ва захирасини яратиш масалалари юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ана шу мавзу қамраб олингани ҳам бежиз эмас.

Аслида ҳам, дунёдаги мураккаб вазият бизни кутилмаган воқеликларга тайёр туришни тақозо этаётир. Зеро, халқаро майдондаги вазият туфайли глобал ишлаб чиқариш занжирларининг узилиши, логистикадаги муаммолар сабабли кўпчилик давлатлар озиқ-овқат маҳсулотлари экспортига чекловлар қўяётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари вилоят, туман ва шаҳар мутасаддилари бундай шароитда ўз ҳудудида ички талабни тўлиқ таъминлаш ва экспортни ошириш бўйича имкониятларини ҳисоб-китоб қилиши шартлигини таъкидлади. Лекин афсуски, ҳали кўп ҳокимлар буни тушуниб етмаётгани ачинарлидир.

Ишлар тўғри ижро этилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Ахир, давлат раҳбари қишлоқ хўжалиги ривожи ва ҳосилдорликни ошириш, аҳолини зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун барча шароитни яратиб бермоқда. Масалан, бу йил 80 минг гектар майдон пахта ва ғалладан қисқартирилиб, аҳолига ажратиб берилди. Президент қарорига кўра, йил якунига қадар яна 20 минг гектар экин майдони аҳолига ажратиб берилади. Келгуси йилда 100 минг гектар экин майдони аҳолига танлов асосида ажратилади. Бунинг ҳисобига, 1 миллион 200 минг нафар аҳолини банд қилиш учун шароит яратилади.

Тўғри, соҳада ютуқлар ҳам талайгина. Ислоҳотлар натижасида республикада парранда гўшти, тухум, балиқ, гуруч маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси анча яхшиланди. Мисол учун, сўнгги уч йилда балиқ етиштиришни Андижон вилояти 4 минг тоннадан 25 минг тоннага, Бухоро вилояти 3,5 минг тоннадан 23 минг тоннага оширган, парранда гўштини Самарқанд вилояти 22 минг тоннадан 100 минг тоннага, Тошкент вилояти 31 минг тоннадан 90 минг тоннага етказган, тухум ишлаб чиқаришни Сирдарё 127 миллион донадан 200 миллион донага, Наманган 480 миллион донадан 700 миллион донага, Фарғона 350 миллион донадан 600 миллион донага кўпайтириб, тўлиқ ўзини-ўзи таъминлаяпти. Лекин бу жараёнда айрим вилоят ҳокимлари ишни тўғри ташкил қила олмагани ҳам бор гап.

Жаҳон бозорида айрим давлатларнинг ўз маҳсулотлари экспортига чеклов қўяётгани хулоса чиқаришга, импортбоп маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни тақозо этади. Маълумотларга кўра, ички бозоримиз 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари импортига боғлиқ бўлиб қолаётир. Президентимиз бу ҳолатни қаттиқ танқид қилиб, мутасаддиларга вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари билан бирга бир ой муддатда ушбу 25 турдаги импорт маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқариб, кўпайтириш бўйича лойиҳа пакетларини тақдимот қилиб, ҳукумат қарорини чиқариш вазифаси қўйилди.

Келгуси йил олти ой якуни билан бу борада ўзгариш қилмаган вилоят ҳокимлари ишдан олиниши кўрсатиб ўтилди. Йиғилишда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг мавсумий ўзгариши юқорилиги бежиз кўрсатилмади. Сабаби — қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган 50 та туманда музлаткич, қуритиш, саралаш ва сақлаш қувватлари етишмайди.

Шундан келиб чиқиб, вилоят ҳокимларига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда 50 та туманда сақлаш қувватларини кескин ошириш бўйича алоҳида дастур қабул қилиш вазифаси топширилди.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари соҳадаги вазифалар ва янги имкониятларни кўрсатиб берди. Булар — жорий йилда қўшимча ажратилаётган 20 минг гектар ва келгусида бериладиган 100 минг гектар экин майдонлари ҳисобидан импортни қисқартириш, озиқ-овқат маҳсулотлари экишни камида 300 минг гектарга етказиш. Умуман, озиқ-овқат учун мўлжалланган ерларга экинларни жойлаштиришни бундан буён Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги белгилаб беради. Мутасаддиларга 15 сентябрдан бошлаб ҳоким ёрдамчилари тавсиясига кўра, сабзавот, дуккакли ва мойли экинлар бўйича уруғлик, ўғит, ёқилғи, ўсимликлар ҳимояси ҳамда айланма маблағ учун 150 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратишни йўлга қўйиш топшириғи берилди. Бунда, ушбу маблағларнинг ярмини накд пулда ажратишга рухсат берилади. Бунинг учун, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига қўшимча 300 миллиард сўм ажратилади. Молия ва Қишлоқ хўжалиги вазирликларига мева-сабзавотчиликни кредитлашнинг мутлақо янги тизимини жорий қилиш топширилди. Эндиликда картошка, сабзавот, ёғ-мой экинлари экадиган кластер ва деҳқонларга ҳосилни суғурталаш харажатининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилади. Бунинг учун, келгуси бир йилда Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан 50 миллиард сўм йўналтирилади. Бундан буён пахта ва ғалладаги каби озиқ-овқатга кредит беришда суғурта полиси кредит таъминоти ҳисобланади. Бу янгилик кўплаб деҳқонларимизнинг ишини юргизиб, Қишлоқ хўжалиги жамғармасида ишлатилмай турган 700 миллиард сўмдан самарали фойдаланишга имконият яратади.

Умуман, бугунги кунда республика бўйича ҳар йили 300 минг тонна картошка, 6 минг тонна дуккакли, 11 минг тонна мойли экинлар уруғи тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бу халқимизнинг айни маҳсулотларга бўлган талабини қондиради. Бу борада яхши тажрибалар ҳам талайгина. Хусусан, картошка етиштириш бўйича Самарқанд вилоятида яхши тажриба бошланган. Мутасаддиларга бу тажрибани хусусий сектор билан бирга дуккакли ва мойли экинлар уруғчилигида ҳам йўлга қўйиш, бунга 26 миллион доллар йўналтириш зарурлиги айтилди.

Айни чоғда, ҳар бир вилоятда камида биттадан интенсив сабзавот кўчатчилик хўжаликларини ишга тушириш кўзда тутиляпти. Юртимизда озиқ-овқат нархини барча мавсумда бир маромда ушлаб туришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига келгуси бир йилда ҳудудларда маҳсулотни сақлаш бўйича 200 минг тонна қувватларни ишга тушириш, 100 миллион доллар ҳисобидан интенсив боғлар ва сабзавотчилик, сақлаш омборлари, қадоқлаш ва қайта ишлаш лойиҳаларини бошлаб, тадбиркорларга лизингга беришни йўлга қўйиш, барча вилоятларда иссиқхона эгаларига енгилликлар бериш бўйича қарор лойиҳасини киритиш, шунингдек, аграр соҳада молиялаштириш, кредит, лизинг ва суғурта тизимини тўлиқ янгилаш бўйича қарор лойиҳасини тақдимот қилиш топширилди.

Қишлоқ хўжалиги халқимиз ризқ-рўзи, иш ўринлари ва даромад манбаи. Сўнгги беш йилда бу соҳага 2 миллиард 500 миллион доллар хорижий кредитлар жалб қилинган. Ҳозиргача шундан 1 миллиард 700 миллион доллари ўзлаштирилиб, 4 мингга яқин лойиҳалар амалга оширилган. Жумладан, замонавий иссиқхоналар, интенсив боғлар, кўчатчилик хўжаликлари ва музлаткичли омборхоналар ташкил этилган. Айни пайтда глобал бозорлардаги нархларнинг кескин тебранишини ҳисобга олиб, мутасадди идоралар ва ҳудудлар раҳбарларига ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлаш, энг аввало, аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш лозимлиги такрор-такрор уқтирилмоқда. Бу бежиз эмас.

Таҳлилларга кўра, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камида 20 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Мамлакатимизда аҳоли даромадининг 40 — 50 фоизи озиқ-овқатга сарфланади. Шу боис бундай маҳсулотларни кўпайтириб, нарх-навонинг аҳоли рўзғорига таъсирини юмшатиш чоралари кўрилмоқда.

Қанчалик мураккаб бўлмасин, юртимиз қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларига ўтиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу борадаги ислоҳотлар бир неча йил олдин бошланган бўлиб, ғалла бозорини эркинлаштириш йўлидаги муҳим қадамлар ташланди. Масалан, 2022 йил 28 май куни "Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарор билан шу йил 1 июндан бошлаб ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтилиб, ғаллачилик кластерлари ва фермерларга буғдойни бозор нархида тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқи берилди. Давлат ресурслари учун сотиб олинадиган 1 тонна буғдой нархи ўтган йилдаги 1 миллион 550 минг сўмдан жорий йил ҳосили учун 3 миллион сўмга, яъни 2 баравар оширилди. Бундан ташқари, июль-август ойларида шаклланган биржадаги буғдой нархларидан келиб чиқиб, ушбу буғдой учун сентябрь ойида қайта ҳисоб-китоб қилинади. Мисол учун, июль-август ойларида буғдойнинг ўртача биржа нархи тоннасига 3,7 миллион сўм бўладиган бўлса, буғдой етиштирувчиларга яна ҳар бир тоннасига 700 минг сўмдан тўлаб берилади. Бу қишлоқ хўжалиги соҳасини эркинлаштириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Умуман, жорий йил 1 июндан фермерлар буғдойни бозор нархида сотиши ортидан моддий манфаатдорлиги ортиб, соҳанинг инвестициявий жозибадорлиги янада ошди. Ушбу йўналишда ишлайман, деган одамлар сони кўпайди. Бу эса ғалла ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосил етиштириш ҳажмларини кескин ошириш, ички бозорни буғдой ва ун маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга замин яратади. Очиғини айтганда, ўтган йиллар давомида фермерлар ерга инвестиция киритмагани, доим ё банкдан, ё давлатдан қарз бўлгани, ернинг унумдорлигини оширишга, шўрланишини камайтиришга ҳаракат қилмагани сабаби ҳам моддий манфаатдорликнинг йўқлигида эди.

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги эришган натижалари ва келгусида режалаштираётган марралари юртимизнинг ривожига, иқтисодий барқарорлигига, халқимизнинг фаровон ҳаётига замин бўлади. Ҳар бир йўналишда ташланаётган катта одимлар, кўзланаётган улкан мақсадлар янги Ўзбекистоннинг янги марраларини таъминлайди. Пандемия ва дунёдаги бошқа муаммолар сабабли дон тақчиллиги юзага келаётган, айрим давлатлар ғалла экспортига чекловлар қўяётган бир пайтда Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тизимида бозор иқтисодиётини қўллаш, ҳосилдорликни оширишдек улкан вазифаларни кун тартибига қўйганлиги, ўзини оқламоқда, албатта. Халқаро экспертлар томонидан дадил ва муҳим қадам сифатида баҳоланаётган бу жараён эса қатъият, шижоат ва машаққатли изланишларни тақозо этишини ҳар доим ҳам англаб олавермаймиз.

**Муҳиддин КАЛОНОВ,**
**ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

## ТАЪМИНОТ БАРҚАРОРЛИГИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

*Бозорларимизнинг тўкинлиги, савдо дўконларимиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан сероблиги ҳар биримизни қувонтиради. Бу яхши, албатта. Аммо кутилмаганда у ёки бу маҳсулотнинг нархи кўтарилиб кетаётгани кишида бир оз ташвиш уйғотади.*

Хўш, бунинг сабаблари нимада? Нега нархлар дам-бадам кўтарилиб, тушиб турибди?

Яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида худди шу масала — озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш ва захирасини яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Унда таъкидландики, иқлим кескин ўзгараётгани, бир қатор давлатларда қурғоқчилик рўй бергани оқибатида дунёда озиқ-овқат танқислиги юзага келмоқда. Бундай шароитда ҳар бир вилоят ва туманларда ички имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда иш олиб бориш зарур.

Айтиш лозимки, ички бозорда 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти импортга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боис Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ҳокимликлар билан бирга ушбу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар тайёрлаш вазифаси қўйилди. Сабзавот, дуккакли ва мойли экинлар бўйича уруғлик, ўғит, ёқилғи, ўсимликлар ҳимояси ҳамда айланма маблағ учун 150 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратиш йўлга қўйилиши белгиланди. Бу маблағларнинг ярмини нақд пулда ажратишга ҳам рухсат берилади. Эътиборлиси, бунинг учун қўшимча 300 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Мева-сабзавотчиликни кредитлаш бўйича ҳам янги тизим жорий қилинади. Энди картошка, сабзавот, ёғ-мой экинлари экадиган кластер ва деҳқонларга ҳосилни суғурталаш харажатининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилиши айтилди. Шунингдек, томорқачиликни ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам муҳокама қилинди. Кўчма музлаткичлар учун ер майдонларини ижарага бериш муддатларини узайтириш, аҳолига ўсимликларни ҳимоя қилишда кўмаклашиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бозорларда нархлар барқарорлигини йўлга қўйиш ҳамда бу борада фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқачилар имкониятларини кенгайтириш юзасидан олиб бораётган сиёсати мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва пировардида юртда тўкинликни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Барно МИРЗАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Дуал таълим:

# МАЛАКАЛИ ЎРТА БЎҒИН МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА САМАРАЛИ ТИЗИМ

*Мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида профессионал таълим тизимида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй беряпти. Соҳага ривожланган давлатларнинг таълим тизимини интеграциялаш жараёни амалга оширилмоқда.*

*Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 июнь куни аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида юртимиздаги профессионал таълим тизими олдига қатор устувор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, касб-ҳунар таълимини замон талабларига мослаштириш бўйича янги тизим жорий қилиниши урғуланди.*

## Фармон ва ижро

Йиғилишда республика бўйича 57 та профессионал таълим муассасасида Германия тажрибаси асосида иш жойида ўқитишнинг дуал таълим шакли йўлга қўйилганлиги, мактабгача таълим тизимида бу ўз натижасини бергани таъкидланди. Яъни ушбу янги тизимга кўра, педагогика коллежи ўқувчилари 2 кун назарий билимларни коллежда олади, қолган 4 кун эса боғчаларда амалиёт ўтайди ва ишлаб, ойлик маош олади.

Вилоят ҳокимларига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ушбу ижобий тажрибани касб-ҳунар мактаблари ва техникумларда йўлга қўйиш топширилди.

Эндиликда дуал таълимни жорий этиш учун касб-ҳунар мактабларининг бўш майдонларида корхоналарнинг ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилади. Ўқувчилар ушбу корхонада ишлаб, ҳам амалий билимларини бойитади, ҳам даромадга эга бўлади. Устозларга эса асосий иш ҳақидан ташқари, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан қўшимча устама тўланади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда дунёнинг тараққий этган мамлакатларида ҳаётга кенг татбиқ қилинган ўқитишнинг дуал тизими назарий ва амалий таълимни уйғунлаштириб, профессионал ва техник кадрлар тайёрлашнинг энг самарали шаклларидан бири ҳисобланади.

Ушбу илғор тизимни юртимиз таълим соҳасига жорий этишда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонун, Фармон ва қарорлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 15-моддасида дуал таълим билим олиш шакли сифатида мустаҳкамланган. Хусусан, ушбу Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, дуал таълим ўқувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади.

Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мамлакатимиз таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш, жамиятимизда ўқитувчи ва педагог ходимлар, илмий ва ижодкор зиёлиларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада ошириш, ўқувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш, тизимда хусусий сектор иштирокини кенгайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб амалиётга йўналтирилган таълим дастурларини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида профессионал таълим муассасаларида дуал таълим тизими жорий этилмоқда. Ушбу тизим асосида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчиларга иш берувчи билан тузилган муддатли меҳнат шартномасига мувофиқ иш ҳақи тўланаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги "Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори билан Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ушбу низомда дуал таълимга ўтиш тартиб-таомиллари, ташкилот, профессионал таълим муассасаси ва ўқувчиларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари белгилаб берилди.

Дуал таълимда бўлажак мутахассис ва давлат манфаатлари уйғунлашади. Иш берувчиларнинг талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрланади. Ўқувчилар талаб қилинадиган мутахассисликни лозим даражада эгаллаб, ишга жойлашиш имкониятини қўлга киритади.

Давлат манфаатлари нуқтаи назаридан қараганда, мазкур тизим орқали юқори малакали кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар юзага келади.

Профессионал таълимда сифат ўзгаришига олиб келадиган турли тизимларнинг (фан ва таълим, фан ва ишлаб чиқариш) ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири мустаҳкамланади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, йирик ва кичик бизнес субъектларида аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш учун меҳнат фаолияти билан таълимни уйғунлашган ҳолда ташкил этиш дуал таълимнинг асосий мақсадидир.

Ҳар қандай янгилик турли тушунмовчилик ва муаммоларга дуч келганидек дуал таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ҳам қатор қийинчиликлар юзага келмоқда. Хусусан, ҳудудлардаги таълим муассасалари раҳбарлари, педагоглар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий педагогик тажриба ҳамда салоҳият даражаси талаб даражасида эмаслиги, янги тизимни жорий этиш бўйича ўқув-қўлланмаларнинг йўқлиги, меҳнат бозорида ташкилот ва корхоналарнинг "малакали ходим" тушунчасини яхши англамаслиги ва профессионал таълим тизими имкониятларидан бехабарлиги таълимнинг илғор шаклини янада кенг ёйишда кўплаб тўсиқларни пайдо қиляпти.

Шу билан бирга, корхонада амалий машғулотлар ўтказиш учун шароитлар яратишдаги муаммолар, дуал таълим тизими асосида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчиларга иш берувчи билан тузилган муддатли меҳнат шартномасига мувофиқ иш ҳақи тўланишидаги камчиликлар, корхона ва ташкилот томонидан ёшларга бириктирилган масъулларга бериладиган маош масаласидаги тушунмовчиликлар кўзланган мақсадларга эришишда турли тўсиқларни келтириб чиқармоқда.

Ушбу муаммоларни бартараф этишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти мутахассислари томонидан профессионал таълим муассасаларида дуал таълим тизимини жорий этиш бўйича тизимли методология ва ўқув қўлланмаларни яратиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Профессионал таълим муассасалари ўқувчилари учун корхона ва ташкилотларда ташкил этиладиган ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш юзасидан "Дуал таълим кундалиги"ни юритиш бўйича йўриқнома лойиҳаси тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ташкилотларнинг таклиф ва мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилди.

Жорий йилда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида дуал таълим йўналишида Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг "Ўзбекистонда профессионал таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизация қилиш жараёнини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) экспертлари билан ҳамкорликда енгил саноат йўналишидаги ахборот алмашинув семинари уюштирилди.

Мазкур семинарда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг касбий таълимни ривожлантириш ҳамда мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари, жойлардаги иш берувчи корхона, ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этишди.

Тошкентда "Профессионал таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг дуал тизимини жорий этишнинг ўқув меъёрий асослари ва методик таъминотини яратиш" лойиҳаси асосида "Дуал таълим дастурлари доирасида ўқитиш жараёнини самарали режалаштириш" мавзуида Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти экспертлари билан биргаликда семинар-тренинг ўтказилди. Мазкур семинарда Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги профессионал таълим муассасалари, иш берувчи корхона, ташкилотларнинг соҳа ходимлари қатнашиб, профессионал таълим тизимида ўқитишнинг дуал шаклини мужассамлаштириш борасидаги муаммоларни муҳокама қилишди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришларнинг жадал суръатлари ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятли кечишини таъминлайдиган юқори сифатли ўрта бўғин мутахассисларга талабни оширади. Дуал таълимни ҳаётга татбиқ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ана шу эҳтиёжни қондиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Мусохон МУЗАФФАРОВ,**
**Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти бош мутахассиси.**

Муносабат



# БУЮК ОЛИМ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

*Юртимиз қадимдан буюк олим ва мутафаккирлар бешиги бўлган. Дунё тамаддуни ривожида ўзининг ўчмас изини қолдирган ўнлаб алломаларимиз борки, уларни ҳар қанча улуғласак, илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиб, кенг тарғиб қилсак арзийди. Президентимизнинг 2022 йил 25 августдаги "Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ана шу йўлда муҳим ҳужжатлардан бири бўлди.*

Маълумки, буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний Шарқнинг биринчи Ренессанси даври намояндаларидан, Маъмун академияси — Дорул ҳикма асосчиларидан бири ва бир қанча вақт мобайнида уни бошқарган қомусий олимдир. Ўз даврида Абу Наср Мансур ибн Ироқ ва Беруний таклифи билан 1004 йилдан бошлаб Нишопур, Балх, Бухоро ва ҳатто араб диёридан ҳам олимлар Гурганжга келган. Шу тариқа 1004 йили Гурганжда "Дорул ҳикма" (ҳозирги Хоразм Маъмун академияси) номини олган илмий муассаса — академия ташкил қилинган эди. Ушбу даргоҳда Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Мансур ибн Ироқ, Абу Саҳл Масиҳий, Абул Ҳайр ибн Ҳаммор, Абу Мансур ас-Саолибий, Абу Али ибн Мисковайҳ, Абдулҳаким Муҳаммад ибн Абдулмалик ас-Солиҳ, Хорожий, Ҳамдамкий, Абу Абдуллоҳ ал-Бийан ал-Найсабурий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Суҳайлий ал-Хоразмий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳрий, Маҳмуд Ҳамид ибн Хидр ал-Хўжандий каби кўплаб фан намояндалари илмий тадқиқот ишларини олиб боришди. Айни шу давр Беруний илмий ижодининг гуллаган палласи эди.

**Абу Райҳон Беруний илмий меросини бугун бутун дунё олимлари ўрганмоқда, шу аснода аллома асарларининг, илмий хулосаларининг янги қирралари кашф қилинмоқда. Ҳозирги кунда Беруний илмий меросини мукаммал тарзда ўрганиш учун халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, чет эл қўлёзмалар фондларида сақланаётган аллома асарларининг қўлёзмалари факсимиле нусхаларини олиб келиш, илмий танқидий матнларини нашр қилиш зарурати мавжуд эди.**

**Президент қарори Беруний авлодларининг олдида турган мазкур вазифаларни бажариш учун кенг имконият очиб берди. Бугунги кунда юртимизда Беруний номи билан боғлиқ ҳудудлар, обида ва қадамжолар, ёдгорлик мажмуалари мавжуд бўлиб, уларни ҳам туристик маршрутга киритиш, ички ва ташқи сайёҳларни жалб қилиш, таништириш, янги мажмуа ва хиёбонлар барпо қилиш зарурати бор эди. Қарорда бунга алоҳида эътибор берилгани жуда қувонарли ҳолдир. Чунончи, ҳужжатга мувофиқ, республикамиздаги Абу Райҳон Беруний номи билан боғлиқ обида ва қадамжолар, жумладан, аллома шарафига ўрнатилган ёдгорлик мажмуалари мукаммал таъмирланади ва уларнинг ҳудудлари ободонлаштирилиб, "Буюк Беруний мероси" халқаро сайёҳлик йўналишлари йўлга қўйилади.**

Олимлар ва мутахассисларнинг таклиф-мулоҳазалари бўйича ишлаб чиқиладиган концепция асосида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида 2023 йил якунига қадар Абу Райҳон Беруний мажмуасини қуриш ва унинг ҳудудида илмий-маърифий, маданий ва дам олиш ҳамда туризм объектлари фаолиятини ташкил қилиш кўзда тутилган.

Юқорида таъкидлангани каби алломанинг илмий меросини чуқур ўрганиш, унинг ҳаёти ва ижоди ёритилган тарихий-бадиий, илмий асарлар яратиш ва кенг жамоатчиликка тарғиб этиш, асарларини араб тилидан таржима қилиб, "Мукаммал асарлар тўплами"ни нашрдан чиқариш зарур. Қарорда ушбу долзарб вазифа ҳам эътибордан четда қолмаган. Олимларимиз олдига Абу Райҳон Беруний меросини ўрганиш мақсадида халқаро миқёсда кенг кўламли илмий изланишлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш, шу мавзуда илмий, бадиий-публицистик асарлар яратиш, хорижий олимларнинг асарларини ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нашр этиш вазифаси қўйилмоқдаки, бу жиддий ёндашувни талаб қилади. Яратиладиган тарихий-бадиий, илмий асарлар жаҳоний миқёсда бўлиши ва кенг китобхонлар жамоасига етиб бориши зарур.

Замонавий дунёда, ривожланган ахборот технологиялари асрида яшамоқдамиз. Буларни ҳисобга олган ҳолда қарорда Беруний ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи юқори сифатли медиа маҳсулотлар ҳамда аудиовизуал асарлар яратиш, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эфирга бериб бориш, интернет ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш, дунё миқёсида ҳештег ва челленж каби тарғиботнинг замонавий технологияларини қўллаш белгилаб қўйилдики, бу Беруний илмий меросини ёш авлодга ва янада кенг аудиторияга мукаммал таништириш имконини беради.

Жаҳонда ҳам, юртимизда ҳам Абу Райҳон Беруний ижодини ўрганишга бутун умрини сарфлаган заҳматкаш олимлар талайгина. Уларни муносиб тақдирлаш, рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш муҳим ва савобли амалдир. Президентимиз мазкур ҳолатга алоҳида эътибор қаратиб, Абу Райҳон Берунийнинг илмий-маърифий меросини дунё миқёсида чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган шахсларни ҳамда илмий-ижодий муассасаларни тақдирлаш мақсадида Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш вазифасини қўйгани жуда муҳимдир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон заминида учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ташаббусини илгари сурмоқда ва унинг рўёби учун барча имконият ишга солинмоқда. Бу йўлда, аввало, илм-фан ривожига жиддий эътибор берилаётир ва илмий даргоҳларда тадқиқотлар учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Қарорда ҳам Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими ва Хоразм Маъмун академиясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларда маданий мерос объектлари, жумладан, археология мероси объектлари, музей ашёларини реставрация ва консервация қилишга ихтисослаштирилган лаборатория ташкил қилиш ҳамда уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш белгилангани бежиз эмас. Чунки юқорида таъкидлангани каби Маъмун академияси алломаларининг яратган асарларидан таралаётган нурафшонлик, асрлар ўтса-да, истиқболга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари эътибори ва ташаббуси билан бугунги кунда Хоразм Маъмун академияси фаолияти замон андозаларига мос тарзда ривожланиб бормоқда. Ушбу масканда фаолият олиб бораётган олимларнинг саъй-ҳаракатлари, яратган кашфиётлари, илмий асарлари мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишда муҳим ўрин тутишига ишонамиз.

Умуман олганда, мазкур қарор нафақат буюк олим даҳосига эҳтиром ифодаси, балки бир қанча даврлардан бери ечилмай келган масалаларни ҳал этиш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлгани билан юртимиз олимларини жуда қувонтирди. Албатта, ушбу ҳужжат ижросида юртимиз ва хорижда илм-фанни қадрлаган ҳар бир инсон жонбозлик кўрсатади.



**Икром АБДУЛЛАЕВ,**
**Хоразм Маъмун академияси раиси,**
**биология фанлари доктори, профессор.**



## Сурхондарё анорчилиги:
# ҲАЁТИЙ ТАЖРИБА ВА ИЛМ-ФАН УЙҒУНЛИГИ

*Дунёнинг тропик ва субтропик мамлакатлари, хусусан, Ўрта Осиёнинг жануби, Қрим, Кавказ, Эрон, Афғонистон ва Доғистонда катта майдонларда дунёга машҳур анор плантациялари мавжуд.*

*Мамлакатимизда меваларнинг тождори бўлган анор етиштиришда Қува, Варганза, Дашнобод ҳамда Шерободда катта ҳаётий тажриба шаклланган бўлиб, бугунги кунда ушбу ҳудудларда анъанавий деҳқончилик усуллари қатори замонавий агротехнологиялардан кенг ва унумли фойдаланилмоқда. Айни пайтда юртимизда анорнинг 40 дан ортиқ навлари парваришланади.*

## Изланиш

Анор плантацияларининг ёши ҳамда маҳаллий навларига қараб, ҳар гектар ердан ўртача 15 — 35 центнер ҳосил олиш мумкин. Анор меваси таркибида кўплаб биокимёвий моддалар мавжудлиги туфайли кундалик истеъмолда ва тиббиётда кенг фойдаланилади. Бу мева таркибида инсон организми учун жуда фойдали микроэлементлар кўплиги боис қандолатчилик, шу билан бирга, халқ хўжалигининг турли соҳаларида терини ошлаш, газламаларни бўяшда ҳам ишлатилади. Гулбарги ва мева пўстидан бўёқ, донидан шарбат тайёрланади. Ёввойисидан лимон кислотаси олинади, унинг баъзи турлари манзарали ўсимлик сифатида ҳам экилади.

Мамлакатимиз Президенти 2021 йилнинг 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Шеробод туманида бўлиб, анорчилик соҳасини илмий асосда ривожлантириш, айни йўналишда малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, янги маҳаллий навларни яратиш, юқори ҳосилдорликка эришиш, анор маҳсулотининг экспорт ҳажми ва даромад миқдорини янада ошириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берган эди.

Сурхондарё вилоятининг қишлоқ хўжалиги соҳасида янги инновацион ишланмалар ва тавсияларни ишлаб чиқишда Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти қошида ташкил этилган "Тажриба-маслаҳат маркази" (Extection center) ДУК ҳамда Шеробод туманидаги анорчиликка ихтисослаштирилган "Сардорбек-Султонбек" МЧЖ хўжалиги билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айни жараёнда ҳududнинг табиий-иқлим шароитига мос маҳаллий анор навларини аниқлаш, уларни морфо-биологиясини ўрганиш, кўчатчиликни ривожлантириш, анор плантацияларини янги тежамкор технологияларни қўллаган ҳолда сув, меҳнат ва минерал озуқа сарфини камайтириш, тажриба майдончасининг фитосанитар ҳолатини ўрганиш, экспортбоп ҳамда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар етиштириш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Юртимизда анор етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари самараси сифатида яқин келажакда йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини камида 600 минг тоннадан ошириш кўзда тутиляпти. Хусусан, 2021-2022 йилларда Сурхондарёда 9 минг 432 гектар ерда анорзорлар барпо этиш орқали йиллик ҳосил ҳажмини 300 минг тоннага етказиш мақсад қилинган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, 2026 йилгача жаҳон бозорида анор маҳсулотларига бўлган талаб сезиларли даражада ошиши кутиляпти. Бу эса мамлакатимизнинг барча ҳудудида анорчилик тармоғини жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 21 декабрь кунги буйруғига асосан, Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтида анорчилик соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган 13 нафар ёш олим малака ошириш мақсадида Туркиянинг Акдениз университетига юборилди. Институтда қишлоқ хўжалигининг барча тармоғи, айниқса, мева-сабзавот ва уруғчилик соҳасида дунёнинг 40 дан ортиқ давлатлари олимлари билан фаол ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб борилаётгани эътиборга сазовордир. Олий таълим муассасасининг "Anamas tuhum" лабораториясида ўсимликларнинг касаллик қўзғатувчи микроорганизмларини ўрганиш, тупроқдаги ўсимлик илдиз тизимига яқин бўлган ва ўсимликларнинг яхши ривожланишида ёрдам берувчи фойдали микроэлементларни ажратиб олиш ҳамда кўпайтиришда ҳам ўзига хос тажриба мактаби яратилган.

Туркиянинг Анталия шаҳрида жойлашган Гуней агропаркида 114 гектар майдонга эга бўлган "Ar-Ge" лабораторияси мавжуд бўлиб, унда ҳар хил мевалардан "in vitro" усулида кўчатлар тайёрланади. Ўз навбатида, агропарк плантацияларида етиштирилган кўчатлар ички бозор ҳамда хорижга экспорт қилинади. Яқинда ушбу йўналишдаги илғор тажрибаларни ўзлаштириш мақсадида Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳамда "Lider Tohum Uretim ve Pazarlama Ltd." ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича англашув меморандуми имзоланди.

Ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида мевачилик соҳасида минерал ва маҳаллий ўғитлар тақчиллигининг олдини олиш, тупроқнинг сув-физик хоссаларини яхшилаш, унумдорлигини оширишда ноанъанавий агрорудаларни қўшимча озуқа сифатида қўллаш яхши натижа бермоқда. Шу боис институтимиз олимлари ва тадқиқотчилари анор плантацияларида қўлланиладиган сув сарфини камайтириш ва ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун ноанъанавий агрорудалардан кенг фойдаланиш устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Ноанъанавий агрорудаларнинг афзаллиги шундаки, у ўсимликларнинг табиий озиқланишини таъминлайди, тупроқнинг сувни ушлаб қолиш хусусиятини яхшилайди, тупроқ ва сувни заҳарли кимёвий элементлар, оғир металлар ва нурланиш (радиация)дан тозалайди. Умуман айтганда, ўсимликларнинг физиологик жараёнида катализатор сифатида фотосинтезда, модда алмашинувида, нафас олишда ва ўсимликнинг касалликларга бардошлилигини оширишда муҳум аҳамиятга эга.

Таъкидлаш ўринлики, бундай катта захирага эга бентонит кони юртимизнинг жанубий Ақработ, Оқтош, Майдон, Ғузор, Яккабоғ, Пачкамар, Деҳқонобод ва Ҳовдак ҳудудларида мавжуд. Ноанъанавий минераллар ва уларнинг кўплиги ҳамда арзонлиги билан қишлоқ хўжалигидаги баъзи етишмаётган минераллар ўрнини тўлдириш ёки қўшимча равишда ишлатиш ҳосил салмоғи ва сифатини оширишда кутилган самарани беради.

Бугун фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари, шахсий томорқа ер эгалари тупроқ унумдорлиги пасайиб боришига, биринчи навбатда, доимий бир хил турдаги экин экиш ва айрим ҳолларда экинлар парваришида агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги каби ҳолатлар сабаб бўлишини унутмаслиги лозим. Бу қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосил салмоғига жиддий таъсир кўрсатувчи омилдир.

Юртимизда тупроқ унумдорлигини оширишда илмий асосланган ҳолда ҳар уч йилда 25 — 30 тонна қўшимча органик озуқа билан тупроқни бойитиш тавсия этилади. Аммо бу борадаги имкониятлар чекланганлиги учун табиий захираси мўл ва арзон ноанъанавий агрорудалар, улар асосида тайёрланган кимёвий ўғитлардан қўшимча озуқа сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ўрнида айтганда, Сурхондарёда янги анор плантациялари яратиш, ҳосилдорликни кўтариш, агротехник тадбирларни амалга оширишда ҳаётий тажрибалар билан бирга илмий, инновацион усуллардан унумли фойдаланиш зарур. Айни чоғда анор маҳсулотларини илғор технологиялар асосида маҳаллий шароитда қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратиш ҳам давр талаби.



Табиий дармондориларга бойлиги ва бошқа кўплаб фойдали хусусиятлари сабабли Ўзбекистон анори жаҳон бозорида тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Шу боис мамлакатимизда анор экспорти ҳажмини ошириш ва тармоқдан олинадиган даромад салмоғини кўпайтириб бориш соҳа истиқболини белгилаб берувчи устувор вазифалар сирасига киритилган.

**Абдуғаффор ЖЎРАЕВ,**
**Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти ректори вазифасини бажарувчи,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# ЁШЛАР ҲАР ДОИМ ЭЪТИБОРДА

*Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлига назар солсак, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёш авлод таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига боғлиқ.*

*Шу боис бугун юртимизда давлатимиз томонидан ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ва етук, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган инсонлар бўлиб етишишлари учун барча шароит яратилиб, катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.*

## Фикр

Қолаверса, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилган бўлиб, бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштирилиб бориляпти.

Хусусан, бугунгача парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонунлар қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган. Бунга мисол қилиб, 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун ҳамда 2018 йил 27 июндаги "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисида"-ги Президент Фармонини келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам бу масала алоҳида ўз аксини топди. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган устувор вазифалар белгиланиб, бу борада ўтган давр мобайнида кенг кўламли ва самарали ишлар олиб борилди.

Мамлакатимизда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан асосий муаммо ва тўсиқларни аниқлаш ҳамда камбағалликка қарши кураш борасида комплекс чора-тадбирларни белгилаб олиш мақсадида 2021 — 2030 йилларда камбағалликни қисқартириш бўйича миллий стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу стратегия лойиҳаси вазифаларини амалга ошириш мақсадида олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган давлат қарамоғидаги, боқувчисини йўқотган талаба ёшларни моддий қўллаб-қувватлаб, уларга ҳар ойда моддий ёрдам пули берилиши ва талабалар туражойларига жойлаштириш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган талабаларга озиқ-овқат ва кийим-кечак хариди учун 10 миллион сўмдан ажратиш амалиёти нодавлат олийгоҳларда ҳам жорий этилиши кўзда тутилган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, албатта. Ёшларни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар изчил давом эттириляпти. Хусусан, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги мақсадларда ҳам ёшлар билан ишлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида урғу берилган.

Шунингдек, жорий йилда йигит-қизларнинг олий таълим билан қамров даражасини 38 фоизга, жисмоний тарбия ва спортга жалб қилинган навқирон авлод улушини 40 фоизга етказиш, ёшларни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш кўламини 2 баравар ошириш, имконияти чекланганлар учун инфратузилма, турли миллат ёшлари учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, уларда фуқаролик бурчини англаш, ватанпарварлик, бағрикенгликка асосланган миллатлараро муомала маданиятини юксалтиришга қаратилган мақсадлар ҳам Тараққиёт стратегиясининг муҳим вазифаларидан.

Умуман олганда, ўғил-қизларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илғор инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш учун юртимизда бор куч ҳамда имкониятлар ишга солинмоқда. Ва албатта, бу ўз самараларини кўрсатаётир. Буни ёшларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқларидан ҳам англаш мумкин.



**Ноила МУСТАФОЕВА,**
**ТДЮУ Хорижий тиллар кафедраси**
**катта ўқитувчиси.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 23 666 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6